

ТОШКЕНТ ОКШОМИ

ЎЗБЕКИСТОН КП
ТОШКЕНТ ШАХАР
КОМИТЕТИ ВА
ТОШКЕНТ ШАХАР
СОВЕТНИНГ
ОРГАНИ

№ 75 (5666).

30

Март 1985 й.

ШАНБА

Газета 1986 йил

1 июлдан чиқа бошлаган.

Баҳоси 3 тийин.

20 АПРЕЛЬ -
ЛЕНИНЧА
КОМУНИСТИК
ШАНБАЛИК

БУЮК ПОЧИН
АНЪНАЛАРИГА САДОҚАТ

Фрунзе районидagi барча саноат корхоналари, курилиш ташкилотлари ва ўқув муассасалари 20 апрелда бўладиган ленинча коммунистик шанбада кўл келадиган барча техника воситалари ва иш кулларини тахт қилиб қўйдилар. Шанбада саноат корхоналарида 31 минг, курилишда 8200, ишга туширилган объектларда 1400, транспортда 1900, ошхоналарда 82800 киши қатнашди. Район бўйича барча ҳапарчиларнинг умумий сон 124 минг кишидан ошди. Шанбалик кунда корхоналарда 1 миллион 700 минг сумлик маҳсулот ишлаб чиқарилади. 125 минг сумлик халқ истеъмол моллари тайёрланади. 273 минг 800 сумлик курилиш-монтаж ишлари бажарилади. 18 минг тонна халқ хўжалик юклари тушириб олинади ва ортилади. Саноатчилар беш йиллик фондида 111,5 минг сум пул ўтказишади.

Районнинг абразив. «Таштест и л м а ш», пластмасса буюмлари ва маъиш буюмлар, ёғочни қайта ишлаш, қурилиш материаллари, тўқимачилик комбинати сингари корхоналари шанбаликда энг юқори меҳнат кўрсаткичига эришишга аҳд қилдилар. Шанбада район перспективари, хий-бонлар ва муассасалар ҳовлиларига 300 минг тул дарахт кўчатлари, яшил ўсиқлар, гуллар ўтказилади. 11 минг метр узунликдаги ариқлар тозаланади. Бу ишлар учун қўллаб-қувватловчи механизмлар ак-ратилган.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг пленуми тўғрисида ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

29 март куни Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг XIX пленуми бўлиб ўтди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ И. Б. Усмонхўжаев «КПСС Марказий Комитети талаблари асосида кадрлар билан ишлашни янада такомиллаштириш юзасидан республика партия ташкилотининг вазифалари тўғрисида» доклад қилди.

Музокараларда Қорақалпоғистон область партия комитетининг биринчи секретари К. С. Саликов, Тошкент экскаватор заводи кранчиси Т. А. Гаврилова, Урганч шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Э. А. Раҳмонов, Ўзбекистон ССР энергетика ва электрлаштириш министри А. Ҳ. Ҳамидов, Ўзбекистон қасаба союзи раиси республика Советининг раиси Н. М. Маҳмудова, Андижон область партия комитетининг биринчи секретари С. М. Мамарасулов, Дустлик районидagi Ленин номи совхоз бригадир Т. Дадажонов, Ўзбе-

кистон район партия комитетининг биринчи секретари А. Пайғамов, Бухоро область партия комитетининг биринчи секретари И. Ж. Жаҳборов, Ўзбекистон ССР Министрлар - Совети Раисининг ўринбосари С. У. Султонова, Сирдарё область партия комитетининг биринчи секретари В. А. Антонов, Қаршидаги «СССР 50 йиллиги» тикувчилик фабрикасининг моторист-тикувчиси Р. Н. Иванушкина, Наманган районидagi «Ленинград» колхоз и правленисининг раиси Ҳ. Мамажонов, Тошкент Олий партия мактабининг ректори М. И. Искандаров ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Пленумда КПСС Марказий Комитети Ташкилий-партиявий ишлар бўлими мудирининг ўринбосари ўртоқ К. Н. Могилниченко нутқ сўзлади.

Пленум ташкилий масалаларни кўриб чиқди. Ўртоқ И. Г. Анисимкин пенсияга чиққанлиги муносабати билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари ва Бюро аъзоси ва-

зифаларидан озод қилинди. Пленум КПСС Марказий Комитетининг инспектори бўлиб ишлаган ўртоқ В. П. Анишевни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети составига киритди, Марказий Комитет секретари ва Бюро аъзоси қилиб сайлади.

Пленум ўртоқ Ҳ. А. Шогазатовни Марказий Комитет секретари ва Бюро аъзоси этиб сайлади.

Ўртоқ М. М. Мусахонев пенсияга чиққанлиги муносабати билан пленум уни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзоси вазифасидан озод қилди.

Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Т. А. Алимов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси аъзоллигига кандидат қилиб сайланди.

Пленум ўртоқ С. Қурбоновни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Пропаганда ва агитация бўлимининг мудири, ўртоқ Н. Тўхлиевни

Фан ва ўқув юрлари бўлимининг, ўртоқ Д. Т. Маджидовни Маданият бўлимининг, ўртоқ Б. А. Абдураҳмоновни Ахборот ва чет эллар билан алоқалар бўлимининг, ўртоқ А. Абдувосиқовни Кишлоқ хўжалик машинасозлиги бўлимининг мудири этиб тасдиқлади.

Пленум ўртоқ Л. Қаюмовни «Совет Ўзбекистони» республика газетасининг редактори, ўртоқ Н. А. Умеровни «Ленин байрағи» республика газетасининг редактори қилиб тасдиқлади.

Пленум Марказий Комитет аъзоси Ш. Ф. Файзиев ва Марказий Комитет аъзоллигига кандидат К. Абдилов ўз обрўсини тўққанлиги учун уларни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети составидан чиқарди. Пленум партия турмуши ленинча нормаларини бузганлиги, партия ташкилоти билан алоқани узганлиги учун Я. А. Илидинни КПСС аъзоллигидан ўчирди.

Шу билан пленум ўз ишини тамомлади.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ XIX ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРИ КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ТАЛАБЛАРИ АСОСИДА КАДРЛАР БИЛАН ИШЛАШНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЮЗАСИДАН РЕСПУБЛИКА ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ И. Б. Усмонхўжаевнинг «КПСС Марказий Комитети талаблари асосида кадрлар билан ишлашни янада такомиллаштириш юзасидан республика партия ташкилотининг вазифалари тўғрисида» докладини титлаб ва муҳокама қилиб, шунинг қайд этидики, республика коммунистлари, барча меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети 1985 йил март Пленумининг қарорларини, ўртоқ М. С. Горбачев КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари қилиб сайланганлигини астойдил маъқуллайдилар. Марказий Комитетнинг янада яхши тартиб ўрнатилган, турмушнинг ҳамма соҳаларини жамиятнинг табиғати ёт ҳодисалардан тозалашга, социалистик қонунийликни, партия, давлат ва меҳнат ширинлигини мустаҳкамлашга қаратилган йўлини актив қўллаб-қувватлайдилар.

КПСС Марказий Комитетининг ҳозирги босқичдаги кадрлар сиёсати масалалари, топирилган иш учун раҳбарларга ва барча коммунистларга нисбатан талабчанликни қучайтириш юзасидан берган принципиал йўл-йўриқларни, меҳнат ва жамоат турмушидаги маънавий-психологик муҳитни соғломлаштириш, социал адолат принципларига сўзсиз риоя қилиш учун изчил курашни авж элди-

риб юборган республика партия ташкилотига тўла-тўқис тааллуқлидир. Марказий Комитет Бюроси, область, шаҳар, район партия комитетлари партия XXVI съездининг, КПСС Марказий Комитети 1982 йил ноябрь Пленуми ва кейинги Пленумларининг, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленумининг қарорларини бажара бориб, партиявий раҳбарликнинг ленинча принципларини тиклаш, кадрлар билан ишлашда талабчанликни қучайтириш соҳасида аниқ мақсадни қўзғаб иш олиб бормоқдалар, маънавий айниш, сунистеъмол қилиш, КПСС Уставини бузиш йўлига ўтган раҳбарлардан қатъий ҳалос бўлмоқдалар. Қолаётган калар сиёсий етук, билимдон, ҳалол ва омиқор топиришчилар билан мустаҳкамламоқдалар.

Шу билан бирга асосан республика бўйича мансус партия, совет, хўжалик оғанларининг ишга қайти қурилиши, бу қайта қуриш ҳали область, шаҳар, район бўлиналари, бошланғич партия ташкилотлари ва меҳнат коллективлари фаолиятида асосий иш бўли қолгани йўқ. Район партия комитетлари ва ташкилотлари кадрларини танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялашда камчилларга қўйиб йўл қўймоқдалар, салбий ҳодисаларга қарш курашда принципиал йўзидан турганлари йў. Социалистик қонунийликни поймол қилаётган, парти-

явий ахлоқ ва одоб нормаларини бузётган раҳбарларга нисбатан ҳамон қўрилганлик қилиб келинмоқда. Сурхондарё, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё областларида раҳбар коммунистлар қилган ноқўйма ишларнинг анчагина қисми бошланғич партия ташкилотларини четлаб кўриб чиқилмоқда. Кадрларнинг анчагина қисми ҳали ҳам конкрет ишга қанчалик йўқлигини пухта текширмай туриб шоша-пиша юксалтириш йўлида қўйилмоқда. Таниш-билишчилик ҳоллари, раҳбар ҳодимларини ишчанлик ва амалий фазилатларига қарамай, балки шахсий содиқлигига, ошангайингарчилик ёки қариндош-уруғчилик муносабатларига, юртдошлигига қараб тайинлаш ҳолларига ҳали ҳам йўл қўйилмоқда.

Айрим партия ташкилотларида, айниқса, Андижон ва Хоразм областларида партия ва совет ҳодимларини тарбиялаш мақсадида танқид ва ўз-ўзини танқиддан қабул этилган қарорларнинг ижросини контрол қилиш ва текширишдан суёт фойдаланилмоқда. Сирдарё, Самарқанд, Фарғона областларида илгори ишчилар ва колхозчилар, хотин-қизлар орасидан истеълодлик ташкилотчилар раҳбарлик лавозимларига қамдан қам қўйилганлиги кўриб чиқилди. Кадрларни гоийий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашга етарли эътибор берилмади. Юлгичлик, мол-парастлик, хизмат макенини сунистеъмол қилиш, хусу-

сий мулкчилик психологияси кўринишларига, диний сарфитларга ва совет турмуш тарзига хос бўлмаган феъл-атвор нормаларига кескин зарба урилмапти.

Хўқуқни муҳофаза қилиш ва контрол органлари кадрларини танлаш ва тарбиялашдаги камчиликларини суъташлик билан тутатилмоқда, бу органлар ҳали ҳам социалистик мулкни ўғирлашга, порахўрликка, қўшма ёзишга ва қўзғабунчиликка, мансабдан фойдаланиб жиноят қилиш ҳоллари қарши қатъий курашмаётдилар. Бу масалаларда Ички ишлар ми-нистрлигининг сиёсий органлари актив прощияда турмаётдилар.

Кадрларнинг тузуқроқ резерви йўқлиги бир қанча партия комитетларининг, совет, қасаба союз ва комсомол органларининг, ми-нистрликлар ва идораларнинг фаолиятидаги заиф бўлибдири. Кадрлар резервини тайёрлашда партиявий сиёсий маорифнинг икониетларидан дуруст фойдаланилмапти.

Партия комитетларининг айрим ҳодимлари партиявий раҳбарлик қўйилма-рини яхши эгаллаб олма-йитилар зарур ҳаётий таърибига эга эмаслар, маъмуриятчиликка, масала-ларини соф хўжалик усул-лари билан ҳал этишга берилиб етмоқдалар. Кадрлар билан ишлашнинг такомиллаштиришда бошланғич партия ташкилотларининг, меҳнат коллективларининг,

жамоатчилик фикрининг роли пасайтириб юборилган. Халқ хўжалиги раҳбарлари ва мутахассисларини тарбиялашда қатта янги-лишларга йўл қўйилмоқда, улар замонавий иқтисодий тафаккур руҳида қўнғилда-гидек тарбияланмапти, социалистик омиқкорлик, давлат планларини бажариш учун юксак масъулиятни сезиш тўғрисида уларга дуруст сингиртилмапти.

1984 йилнинг маҳсулот реал-изация қилиш юзасидан белгиланган топириқларини 176 та бирлашма ва корхона уддалай олмади. Республика ми-нистрликлар ва идораларнинг яримси-фан ва техникаий ривож-лантириш планлари бажарилишини таъминламади. 400 га яқин корхонада меҳнат унумдорлиги пасайиб кетди. Ажратилган капи-тал маблаг ўзлаштирилма-ди, халқ хўжалигининг бир қанча муҳим объек-тлари ўз вақтида ишга ту-ширилмади, курилиш-монтаж ишларининг сифати ҳали ҳам паст. Салкам 700 та колхоз ва совхоз пахта ва чорвачилик маҳсулотла-рини тайёрлаш топириқ-ларини бажармади.

Республика Министрлар Совети, Госплани, ми-нистрликлар ва идораларнинг раҳ-барлари ишлаб чиқариш икониетларидан ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш йўлиларини ун-чалик етарли равишда ғай-рат билан қидирмаётдилар, экономиканинг базис тар-моқларида хўжалик юртиш форма ва методлари суъ-

қайта қурилатганлигига, ишлаб чиқариш қувватла-ридан заиф фойдаланилаётган-лигига, фондларнинг самар-адорлиги яхши ўсмаётган-лигига, маҳсулот таннарихи камаймаётганига мурасо-злик билан қарамоқдалар. Хўжалик практикасида пул маблағлари ва моддий бой-ликларнинг назоратсиз қо-лалишига, турли-туман суни-стеъмолларга йўл қўйилган нуқсонлар тугатилмапти.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми қарор қилди:

1. Марказий Комитет Бюроси, область, шаҳар, район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилот-лари партия XXVI съезди-нинг, КПСС Марказий Ко-митети 1982 йил ноябрь ва кейинги Пленумларининг қар-орларига мувофиқ кадрлар-ни танлаш, жой-жойига қў-йиш ва тарбиялашни янада такомиллаштириш, республи-ка партия ташкилотининг жағвогарлик қобилиятини қучайтириш, партия турмуши-нинг ленинча принциплари-ни тиклаш соҳасидаги иш-ни давом эттирсинлар. КПСС Марказий Комитети 1985 йил март Пленумининг йўл-йўриқларини бажариб, пар-тия, совет ва давлат орган-лари ҳодимларига нисбатан талабчанликни ва уларнинг масъулиятини ошириш йўли-ни изчиллик билан ўтказ-синлар.

Кадрлар билан ишлашнинг коммунистларни, республи-канинг барча меҳнаткашла-рини Ўзбекистон ССРни социал-иқтисодий ривожлан-тириш планларини сўзсиз

бажаришга, йўл қўйилган қолоқлигининг ўрнини тўл-диришга, 1985 йили ва умуман ўн биринчи беш йилликни муваффақиятли тугаллашга сафарбар қилиш-га бўйсундирилсинлар.

2. Партия комитетлари партия, совет, хўжалик ва маданий қурилишнинг ҳамма участкаларига юксак ахлоқ-ий фазилатларга эга бўл-ган, меҳнаткашлар ўртасида обрў-эътибор қозонган, ўрта-га қўйилган вазибаларнинг сўзсиз бажарилишини таъ-минлай оладиган, сиёсий жиҳатдан етук, саводли раҳ-барлар бошчилик қилишга қобил сабот билан ҳаракат қилсинлар.

Таниш-билишчилик, кадр-ларни юртдошлик, қарин-дош-уруғчилик белгиларига қараб танлаш, ҳодимларни раҳбарлик лавозимларига пухта ўйламай шоша-пиша қўтариш, шунингдек, ўз об-рўсини тўқнаш соҳаслари аҳамияти баварар ишга ўт-казиш фактлари қатъийан тугатилсин. Ҳамама жойда КПСС Устави талабларидан, партия турмуши ва комму-нистик ахлоқ нормаларидан қар қандай чекинмиш ҳолла-рига коммунистлар ва меҳ-нат коллективларининг аъзолари муносиб баҳо берадиган ва-зият вужудга келтирил-син. Иш шундай йўлга қўйилсинки, ҳар бир раҳ-бар юқори органларнинг гина эмас, шу билан бирга омманинг ҳам доимий назо-рати остида бўлсин. КПСС аъзолари бўлган раҳбарлар-нинг ноқўйма ҳаракатлари, албатта, бошланғич партия

ташкилотларида кўриб чи-қилсин.

Ишдаги демократик негиз-лар изчиллик билан жорий этилсин ва ривожлантирил-син, раҳбарларга баҳо бе-риш ва уларни кўтаришда бошланғич партия ташки-лотларининг, меҳнат коллек-тивларининг фикри тўққан-лиси ҳисобга олинсин. Харак-теристикаларнинг аҳамияти оширилсин, уларда ҳодим-ларнинг сиёсий, амалий ва маънавий фазилатлари, қуч-ли ва заиф жиҳатлари аниқ эътирилсин, кадрлар ўз фао-лиятининг натижаларига таъкиднинг баҳо бера олиш маҳорати руҳида тарбиялан-син. Айрим раҳбарларнинг топирилган иш учун масъ-улиятдан бўйин товлаш йў-лидаги уринишларига қарши курашилсин. Тарбиялашнинг муҳим воситаларидан бири бўлиш ижрон контрол қи-лишдан ҳар томонлама фой-даланилсин.

3. Марказий Комитет Секретариати, область, ша-ҳар, район партия комите-тлари кадрларнинг амалдаги резервини шакллантириш чораларини кўрсинлар, бу ишни изчиллик билан му-назаам равишда олиб бори-синлар, унда сўйлаб қўйилган активларга кўпроқ эътибор берсинлар. Партия, совет, қасаба союз ва комсомол ор-ганларининг ҳодимларини, ми-нистрликлар, идораларни раҳбарларини вақти-вақти билан аттестациядан ўт-казиб, туриш жорий этилсин уларнинг стажировкаси та-шқил қилинсин.

(Давоми иккинчи бетда).

ИШДА ЛЕНИНЧА УСЛУБНИ ҚАРОР ТОПТИРАЙЛИК

Ўртоқлар! Ленинча партияизининг бутун тарихи кадрларни тўри танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш партия ўртага қўйган мақсадларга эришишнинг, олдинда турган социал-иқтисодий вазифаларни муваффақиятли ҳал этишнинг гўл муҳим шарти эканлигидан ақлоқ далолат бериб турибди. Коммунистик партия социалистик қурилишнинг барча босқичларида ўзининг кадр потенциални мустаҳкамлашга қатта эътибор бериб келди ва ҳамон шундай эътибор бериб келимоқда, буни иккинчи даражадаги боришга таъсир ўтказишнинг худ-дидан воситаси деб ҳисобла-моқда.

КПСС Марказий Комитетининг навбатдан ташқари март Пленуми буни янги куч билан тасдиқлади. Пленум партияизининг улуг Ле-нин ишига астойдил содиқ-лигини, партиянинг XXVI съездида, КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил но-ябрь Пленуми ҳамда кейин-ги Пленумларида ишлаб чиқилган сиёсий йўли изчил-лигини ва давомийлигини на-мойиш этиди.

Барча совет кишилари на-

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ И. Б. УСМОНХЎЖАЕВ доклади

би Ўзбекистон меҳнаткаш-лари ҳам партиянинг ичун ва ташқи сиёсатини актив ўл-тириш, турмушнинг ёт ҳо-дисалардан, жамият ман-фаатларига ва унинг гражд-анлари манфаатларига қи-линадиган ҳар қандай таж-овулардан тозалаш соҳасида халқ маъқуллаган қатъий чоралар бундан бўён ҳам қўрилаверади.

Мамлакатимиз меҳнат-кашлари партиянинг мамла-каси социал-иқтисодий ри-вожлантиришга жаддалаш-тиришга, кишиларнинг мод-дий турмуш ва меҳнат ша-ронглирини яхшилашга, иш-чилар синфи, колхозчи, де-ҳқонлар ва зиёлиларнинг иттифоқини қучайтиришга, кўп миллатли девлатимиз халқларининг дўстлигини муттасил мустаҳкамлашга қаратилган йўлини астойдил таъриклемоқдалар. Улар партиянинг бунёдкорлик ре-жаларини амалга ошириш учун куч-ғайратларини қў-пайтириш иштиёқида экан-ликларини билдирмоқдалар.

Белгиланган режаларини амалга ошириш республик-а коммунистлардан, барча меҳнаткашлардан ташаб-борлик билан қизғин ижо-дий меҳнат қилишни, қў-шма резервлар ҳамда ик-ониетларини қидириб топи-б, ишга солишни, маҳорат, қатъият ва юксак уюшқо-кликни талаб этади.

Янги вазифаларни, деб уқтирган эди В. И. Ленин, эскириб қолган усуллар би-лан ҳал этиб бўлмайд. Шу боисдан ҳам КПСС партия раҳбарлиги услубини, партия ички турмушининг барча то-монларини яхшилашга ва аввало, кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ҳемда тарбиялаш соҳасидаги иш-ни такомиллаштиришга жуда қатта эътибор бермоқда.

Владимир Ильич Ленин неча марта лаб таъкидла-ганидек, сиёсат кишилар ор-қали юртилади, ҳеч қандай сиёсатни агар у ҳодимлар тайинлашда ва жойини ўз-гаришда, партия қучлари-ни тақсимлашда ифода этилмаса, юртиб бўлмайд,

ҳама ишининг ўзағи—одам-ларни танлашда ва ижрон-и текширишдадир.

Лениннинг бу кўрсатма-лари ҳозирги шароитда ало-ҳида аҳамият касб этмоқда. Ривожланган социалистик жамиятни такомиллаштириш вазифаларини ҳал этиш сиё-сий ва социал турмушининг, хўжалик ва маданий қу-рилишининг барча соҳаларидаги кадрларга нисбатан янги-лиги талаблар қўймоқда. Шу-нинг учун КПСС Марказий Комитети кадрлар билан иш-лашни шунчаки яхшилаш тўғрисидаги эмас, балки ҳо-зирги босқичда кадрлар сиё-сати тўғрисидаги масалани қўймоқда. Бу эса кадрларни ўқитиш ва кўтариш, улар-нинг фаолиятини контрол қилиш бутун системасида ҳозирги шароитларга мос келадиган ўзгаришлар қи-лиш керак, деган маъно-ни билдиради.

Шу жиҳатдан ўртоқ М. С. Горбачев КПСС Марказий Комитетининг навбатдан таш-қари март Пленумида таъ-рифлаб берган қуйидаги қо-йдалар муҳим аҳамиятта

эгадир: «Барча участкал-рда, ҳамама ерда ва ҳар иш-да коммунистлар граждани-ли бунинг адо этиш, жамият манфаатлари йўлида ижло-нат меҳнат қилиш, ҳамма жойда ленинча иш услубини қарор топириш намунаси бўлишлари керак. Бу тап, аввало, партия кадрларига, партия ва давлат раҳбарла-рига тааллуқлидир. КПСС талабчанликни қучайтириш, топирилган иш учун масъ-улиятни ошпириш йўлини из-чиллик билан ўтказаверади».

Март Пленумининг кўр-сатмаси республика партия ташкилотигагина бевосита дахлдор бўлмади, балки бир қанча ҳолатлар тақозоси би-лан Ўзбекистон коммунист-лари учун ниҳоятда қатта аҳамиятта эга ва актуалдир.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми республика экономикаси ва социал ҳа-ётининг турли соҳаларида иккинчи даражадаги, партия раҳбарлиги услуби ва ме-тодларида бўзалишларни, кадрларни танлаш ва тар-биялашда ленинча принцип-

лардан чекинмиш ҳолларини очиб ташлади. Биз йўл қў-йилган ҳатоларни таҳлил этидик, салбий ҳолатларга қарши муросасиз курашни гўл олдириб юбордик, биз-нинг олға томон ҳаракати-мига ҳалакат бераётган барча иллатларни таг-томи-ри билан тугатиш вазифа-сини қўйдик.

Амал қилинаётган йўл, аввало, республикада то-пирилган иш учун раҳбар-ларнинг масъулиятини оши-риш борасида ўтказилаётган қатта ва қизғин ишда ўз-ифодасини тоймоқда.

Кейинги вақтларда об-ласт, шаҳар, район партия комитетларининг бир қанча секретарлари, Советлар ик-рония комитетларининг раис-лари, ми-нистрликлар ва идо-раларнинг раҳбарлари иш-дан бўшатилди. Ўз обрў-сини тўқиб қўйган ҳодимлар партия комитетларининг сос-тавидан чиқарилиди, депутат-ликдан қачириб олинди, пар-тия йўли билан қатъий қи-золанди. Ўғрилиқ, намомад ва сунистеъмол қилишга йўл

қўйган шахслар жинийи жа-вобарликка тортилди. Ана шу барча чоралар республи-када вазиятни жиддий ра-вишда соғломлаштиришга қўмақлашди.

Шу йўл бундан бўён ҳам ўтказилаверади. Аммо бутун-ги кунда вазифа кадрлар билан ишлашга пухта ўйлаб, планли тус беришдан, раҳбар кадрларни аниқ мақсад йўли-да истиқболни қўзғаб ўсти-ришдан, барча участкаларни билимдон, ҳалол, партия ишига содиқ кишилар билан мустаҳкамлашдан иборатдир.

Марказий Комитет XVII пленуми амал қилинаётган йўлининг ўзгармаслигини тас-диқлади, республикада ити-зомни мустаҳкамлаш бора-сида қўрилатган тадбирлар-ни қисқа муддатли кампания деб баҳолаб, кутиб туриш по-зициясини ағдалаган, янги шароитларга мослашиб олиш-га, ўзининг фаолиятчилигини ниқоблашга, ишда жўш-қилишни пасайитиришга урин-ган кимсаларга зарба берди. Хизмат макенини ҳар хил йўллар билан сунистеъмол қилишга, ошангайингарчи-ликка қарши курашга янги оми-л бахш этилди, бу ишни сиёсий системанинг юқорида қўйил-ганча барча бўғинлари ор-қали ўтказиш вазифаси қў-йилди.

(Давоми иккинчи бетда).

* Доклад қисқартirilган сценарийга мувофиқ эълон қилинмоқда.

Пленум республика партия шикчилотари кадрлар-сит шоққолғари интизомий ва муваффақиятларини оқитиш соҳи-уқуқий ва назорат вазифаларини ат этишда янги муваффақиятларга эришсин. Ўзбекистон меҳнаткашларининг кўп қиллатил Ватанимиз иқтисодий ва мудофаа қудратини устунадқамлашга қўшадиған йссасини қўяйтириш, Ўзуге татан урушида совет халқи ойишған Ғалабанинғ 40 йилғини ва Совет Иттифоди коммунист партиясининғ XVII съездини муносиб ку-бик олиш учун ҳамма ишлар-га қилдиллар. деб КПСС марказий Комитетига, унинг илғий бюросига ваъда бе-лиди.

